

**ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИКНОМА**

<b>1 УМУМИЙ КОИДАЛАР</b>	
1.1	Ушбу харид ҳужжатлари “Давлат харидлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни № 684 (кейинги ўринларда қонун) талабларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги ПК-3550-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. “Лойиҳалашдан олдин лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва шартномаларни экспертизадан утказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” (кейинги ўринларда қарор).
1.2	Харид предмети:
1.3	Товарлар (иш, хизматлар) чегаравий қиймати ва валюта талаби ушбу харид ҳужжатларининг нарх қисмида кўрсатилган. Тижорат тақлифида курсатилган нархлар чегара нархидан ошмаслиги керак.
1.4	Техник топшириқлар ушбу харид ҳужжатининг техник қисмида келтирилган.
1.5	Харид комиссияси йигилиш шакли - юзма юз тарзда (очная).
<b>2. ДАВЛАТ БУЮРТМАЧИСИ (КОРПОРАТИВ БУЮРТМАЧИ)</b>	
2.1	Хива шаҳар 121-сон ИДМИ (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) харидлар буюртмачиси ҳисобланади. Буюртмачи манзили: Хоразм вилояти, Хива шаҳри Мустақиллик кўчаси  <b>Банк реквизитлари:</b> 1) Банк номи Марказий банк Тошкент шаҳри МФО: 00014, ШХР: 100021860334067092400075002 СТИР: 2020696741
2.2	Давлат буюртмачисининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар: 1) <b>Ф.И.Ш.:</b> Анвар Жуманиёзов - <b>Лавозими:</b> раҳбар <b>Телефон рақами:</b> +998 91 993 19 73
2.3	харидларни танлаш буюртмачи ходимлари орасидан камида беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилган харид комиссияси орқали амалга оширилади. харид комиссияси куйидаги вазифаларни бажаради: харид қилиш ҳужжатларини келишади; тақлифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;

зарур булганда таклиф киритиш тартибини, хажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;  
дастлабки малака танловини утказади, агар харид килиш хужжатлари шартларида бу назарда тутилган булса;  
зарур булганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади;  
зарур булганда бах, олаш гуруҳини ташкил этиш тугрисида қарор қабул қилади; харид килиш тартиб-таомилларини ушбу қонунга мувофиқ амалга оширади; харид килиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ҳолибини ва зарур булганда захирадаги ҳолибини белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади.  
Харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга оширилаётган ҳаракатлар учун жавобгар булмайди.  
Харид комиссияси томонидан уз ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар давлат буюртмачиси ва харид килиш тартиб-таомиллари иштирокчилари учун мажбурийдир.

2.4 Шартнома эгаси: Хива шаҳар 121-сон ИДМИ

### 3. ХАРИД ҚИЛИШ ТАРТИБ ТАОМИЛЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ

3.1 Харид килиш тартиб-таомиллари иштирокчиси (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) харид килиш тартиб-таомилида давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида иштирок этаётган, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти булган жисмоний ёки юридик шахсдир.

#### Иштирокчи:

давлат харидлари тугрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;  
харид килиш хужжатлари талабларига мувофиқ булган таклифлар ва хужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончилиги учун жавобгар булиши;  
асосий бенефициар мулкдор тугрисидаги маълумотларни ошқор этиши;  
голиб деб топилган тақдирда, давлат буюртмачиси билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.  
Иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси электрон дукон, аукцион, энг яхши таклифларни танлаш ва тендер буйича айна битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

3.2 **ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚУЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:**

**Иштирокчилар қуйидаги мезонларга мувофиқ булиши керак:**

- шартномани бажариш учун зурут техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларнинг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгаллик;
- солиқлар ва йигимларни тулаш буйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- узига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;
- Асосий фаолият тури қаида 3 йиллик тажрибага эга бўлган қурулиш ташкилоти эканлиги

### 4 ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИНГ ИЖРОЧИСИ

Давлат харидларининг ижрочиси (бундан буён матнда ижрочи деб юритилади) харид килиш тартиб-таомиллари қонуни буйича ҳолиб деб топилган ва узи билан давлат харидлари тугрисида шартнома тузилган иштирокчидир.

#### Ижрочи:

- қонунчилик талабларига риоя этиш;
- шартномани унинг шартларига мувофиқ бажариш;
- асосий бенефициар мулкдор тугрисидаги маълумотларни ошқор этиши;
- шартномани бажариш жараёнида давлат буюртмачисига ёки ваколатли давлат органига



унинг сурови буйича тушунтиришлар ва ахборот бериши шарт;  
Давлат бююртмачиси зарур булганда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) узига хос хоссаларидан ёки хусусиятларидан келиб чиркан х,олда иштирокчиларга кушимча талаблар белгилашга хакли.

## 5. ТАНЛАШНИ УТКАЗИШ ТАРТИБИ.

5.1 Танлашда иштирок этиш учун танлаш иштирокчиси куйидагиларни бажариши шарт:

а) танлаш шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган эълон билан танишиш ва танлаш хужжатларининг электрон нуسخасини олиш (юклаб олиш);

5.2 Танловда катнашишга рухсат берилмайдн:

- кайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик жараёнида булган
- (бююртмачининг исми) билан суд ёки арбитраж ҳолатида булган
- Инсофиз ижрочиларнинг ягона реестрида булган
- Солиқлар ва йиғимларни тўлаш буйича муддати ўтган карздорликнинг мавжуд булган
- шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжуд бўлмаган
- танлов суммасининг 10%идан кам нарх таклиф қилган иштирокчи

## 6. ТАНЛАШ ТИЛИ ВА УЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

6.1 Танлаш тугрисидаги ахборот давлат тилида эълон қилинади ва тарқатилади. Танлаш

тугрисидаги ахборот давлат тили билан бир вақтда бошқа тилларда ҳам эълон қилиниши ва тарқатилиши мумкин. Бошқа тилларда эълон қилинаётган танлаш тугрисидаги ахборотнинг мазмуни давлат тилида эълон қилинган ахборотга мувофиқ бўлиши керак.

## 7. ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ ВА УНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БЕРИШ ТАРТИБИ

7.1

Иштирокчилар танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрлашга мажбурдирлар. Электрон шаклда танлаш утказиш чоғида танлаш иштирокчиларнинг таклифларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда такдим этилади. Таклифда давлат хариди объекти булган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нуسخаси, намунаси булиши мумкин.  
Танлаш иштирокчиси такдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тугрилиги учун жавобгар булади.  
Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга хакли.  
Танлаш учун таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда курсатилган муддат келиши билан тугатилади.

## 8 ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИНИ УЗАЙТИРИШ

8.1

Бююртмачи харид қилиш тартиб-таомилларининг барча иштирокчиларига татбиқ этиладиган таклифларни такдим этиш муддатларини узайтириши ва конунчиликда назарда тутилган ҳолларда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари



таклифларининг амал килиш муддатини муайян даврга узайтириш тугрисидаги таклиф билан уларга мурожат килиш х,укукига эга.

## 9 ТАНЛАШ БУЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ.

- 9.1 Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш буйича харид килиш хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тугрисида қарор қабул килишга ҳақли.
- Бунда ушбутанлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади.
- Шу билан бирга, эълонда қурсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш утказиш тугрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.
- Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йул қуйилмайди.

## 10 ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ ВА МАХФИЙЛИКНИ СИР САКЛАШ

- 10.1 Буюртмачи ёки давлат харидлари электрон тизими операторининг ходими узининг давлат харидлари ижрочилари ёки ҳар қандай бошқа шахс билан муносабатларида, агар бундай ахборотни ошкор этмаслик давлат хавфсизлиги манфаатларини химоя қилиш учун зарур бўлса ёки агар бундай ахборотнинг ошкор этилиши қонунчиликка зид бўлса, уларга риоя этилишини таъминлашга монелик қилса, давлат харидлари субъектларининг қонуний манфаатларига зарар етказса ёхуд инсофли рақобатга тускинлик қилса, агар давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тугрисида қарор қабул қилмаса, ҳеч бир ахборотни ошкор этишга ҳақли эмас.
- Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тугрисида қарор қабул қилган тақдирда, ушбу қарорнинг шартларига риоя этилади.
- Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиб, унинг харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиши билан боғлиқ таклифда узи қурсатган барча маълумотларнинг эълон қилинишига розилик билдиради.

- 11.2 Шартнома буйича мажбуриятларни бажармаган (мифдорий, сифат ва техник қурсатгичлар буйича) танлаш қолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки тузилган шартнома буйича жавобгар бўлади.

## 11 ТАНЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БОШҚА ШАРТЛАР

- 11.1 Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш буйича харид қилиш хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.
- Давлат буюртмачиси томонидан танлаш буйича харид қилиш хужжатларида қолиб шартноманинг шартлари бажарилиши таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини назарда тутувчи шарт қуйилиши мумкин.
- Қолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга зақалат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги қолиб аниқанган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги қолибга утади. Бунда захирадаги қолиб қолиб томонидан таклиф этилган нарх буйича (бундан захирадаги қолиб таклиф этган нарх қолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.

- 11.2 Иштирокчилар давлат буюртмачисига ёки ушбу буюртмачи томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотга муайян давлат харидларининг тартиб-таомиллари, уларни утказиш талаблари ва шартлари буйича суровлар бериш ҳамда улардан тушунтиришлар олишга ҳақли.

11.3	Агар танлашда иштирок этиш учун таклифларни такдим этиш муддати тугаган пайтда факат битта таклиф такдим этилган ёки бирорта хам таклиф такдим этилмаган булса, шунингдек харидлар комиссияси томонидан таклифларнинг танлаш харид хужжатлари талабларига мос эмас деб топилган холларда танлаш утказилмаган деб ҳисобланади.
11.4	<p>Давлат буюртмачиси голиб булган таклиф акцептига қадар исталган вақтда давлат харидини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Давлат хариди бекор қилинган тақдирда давлат буюртмачиси бундай қарор қабул қилингандан кейин уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизими орқали махсус ахборот порталида мазкур қарорнинг асослантирилган сабабларини эълон қилади.</p> <p>Давлат буюртмачиси давлат хариди бекор қилинганлиги учун жавобгар булмайди, бундан бекор қилиш давлат буюртмачисининг гайриконуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибати булган холлар мустасно.</p>
11.5	Техник топшириқда товарлар наъмуна таклифларини топшириш муддати тугагунга қадар ҳар бир товар намунаси иштирокчи томонидан техник баҳ,олаш учун буюртмачига топширилиши керак. Бундай талаб баҳ,олаш мезонида курсатилади. Техник спецификациялар талабларига техник жиҳатдан жавоб бермайдиган товарлар буюртмачи томонидан қабул қилинмайди. Ушбу ҳолда ёки товарлар наъмунаси такдим қилинмаган холларда таклифлар харид комиссияси томонидан қуриб чиқилмайди ва бекор қилинади.